

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 16 март, № 55 (8117) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

**15 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ва сайланган Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқотлари бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Туркманистон томонини ғоятда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани, унда Сердар Бердимуҳамедов ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклаб, қардош Туркманистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги ишлар давом эттирилишига ишонч билдирилди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажмлари сезиларли даражада ошди. Чегарадош ҳудудлар ва етакчи корхоналар даражасида яқин алоқалар йўлга қўйилди. Саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида аниқ кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат етакчилари парламентлар ўртасидаги фаол мулоқотни, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасида давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДАГИ МАЖБУРИЙ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИЛГАНИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

*2022 йил 10 март куни узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг муҳим саноат хом ашёси ва унинг асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қўйилган глобал тақиқ олиб ташланди — «Cotton Campaign» халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот тугатилгани расман эълон қилинди.*

*«Cotton Campaign» халқаро коалицияси вакилларининг бир овоздан айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластер усулига ўтилгани энг тўғри йўл бўлди. Бунинг натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.*

*Ушбу муҳим воқеа халқаро ахборот маконида ҳам ўзининг катта акс садосини берди.*


Global boycott of Uzbek cotton lifted

national Coalition had launched a campaign in 2010 to boycott Uzbek cotton and textile. The organization called on the international community to boycott Uzbek cotton after millions of people, including schoolchildren, were involved in the cotton harvest in Uzbekistan, according to the source. The boycott included 331 brands, including Adidas, Zara, C&A, Gap Inc., H&M, Levi Strauss & Co., Tesco and Walmart.

Uzbekistan has restricted forced and child labor in the cotton harvest, and new reforms have led to the lifting of the boycott.

The removal of the boycott

### Биз ва жаҳон

Масалан, Германиядаги тўқимачилик саноатига ихтисослаштирилган **«TextilWirtschaft» журнали** веб-саҳифасида ўзбек пахтасига бойкот тугатилгани мавзуига бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда 2009 йили жаҳоннинг энг йирик 331 та бренд ва чакана савдо тармоқлари, жумладан, «C&A», «Gap Inc.», «H&M», «Levi Strauss & Co.», «Tesco» ва «Walmart» сингари йирик компаниялар ўзбек пахтасига бойкот эълон қилгани таъкидланган. «Cotton Campaign» халқаро коалицияси томонидан глобал бойкотнинг бекор қилиниши муносабати билан нафақат Ўзбекистон, балки унинг савдо ҳамкорлари учун ҳам янги имкониятлар эшиклари очилмоқда.

Бойкотнинг бекор қилинишида Жаҳон банки билан келишув асосида 2015 йилдан буён мамлакатда пахта йиғим-теримини кузатиб келаётган БМТ Халқаро меҳнат ташкилотининг ижобий ҳисоботи муҳим ўрин тутди.

«Биз бу ташланган қадамдан мамнунмиз. Бойкотнинг бекор қилиниши немис тўқимачилик ва мода саноати учун яхши янгилик бўлди», дея нашрда Германия трикотаж ва кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси Бош директори Сильвия Юнгбауэрнинг сўзларидан иқтибос келтирилади.

«Cotton Campaign» томонидан қайд этилишича, энди компаниялар ўзлари хавфларни баҳолашлари ва таъминот занжирларини қайта кўриб чиқишлари керак. Бунинг учун барча шартлар мавжуддир.

Бундан аввал ушбу нашрда Халқаро меҳнат ташкилоти мамлакатимизда пахта терими жараёнида болалар ва мажбурий меҳнат бутунлай тақиқлангани, кўрилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бергани ҳақида ҳам алоҳида мақола чоп этилган эди.

Шунингдек**, Ўмоннинг «Asdaa Oman» газетаси**да «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасига бойкот тугатилганини эълон қилди» сарлавҳали мақола босилиб чиқди, деб хабар бермоқда «Дунё» АА мухбири.

Газета бош муҳаррири Али ал-Ҳасаний томонидан ёзилган мазкур мақолада халқаро «Cotton Campaign» коалицияси Ўзбекистон пахтасига қўйилган бойкотни олиб ташлагани ҳақида атрофлича маълумотлар қаламга олинган.

Мақола «Жорий йил 10 март куни «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасига татбиқ этилган бойкот тугаганини эълон қилди», жумлалари билан бошланади. «Бу ҳақда 2022 йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди», деб ёзади муаллиф.

Шу муносабат билан Бирлашган савдо палатаси (JCC) мамлакатда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиргани алоҳида таъкидланган.

Американинг «Responsible Sourcing Network» ташкилоти бош директори ва «Cotton Campaign» коалицияси асосчиларидан бири Патрисия Юревич қайд этганидек, «сўнгги 12 йил давомида юзлаб компанияларни ўзбек пахтасидан воз кечишга ундаганимиздан сўнг, биз Ўзбекистон пахтасига нисбатан бойкотга амал қилиш мажбуриятини бекор қилиш вақти келганини эълон қилишдан мамнунмиз.

➡ 3

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

*Кейинги йилларда Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқлар, ҳар биримизга катта қувонч улашадиган тарихий аҳамиятга молик воқеалар тобора кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг 10 март санасини ҳам туб демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар йўлидаги муҳим ғалаба сифатида Ватанимиз тарихидан мустаҳкам жой эгаллади, десак, муболаға бўлмайди.*

### Акс садо

Гап шундаки, айни шу куни “Cotton Campaign” коалициясининг ўн йилдан ортиқ давом этган ўзбек пахтасига бойкоти бекор қилинди. Бу хусусда яқинда Тошкент шаҳрида юқорида номи айтиб ўтилган коалиция делегациясининг мамлакатимиз вакиллари билан учрашувлари ва музокаралари якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида қайд этилди.

Албатта, бу натижа ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бунинг замирида катта ва машаққатли меҳнат мужассам. Бу воқеа иқтисодиёт нуқтаи назаридан ниҳоятда улкан аҳамиятга эга бўлиб, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нуронийларнинг ижтимоий фаолликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда “Нуронийлар маскани” мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилди, “Кексалар ҳафталиги” ва “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ўтказиш анъанага айланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги унга юклатилган **асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда нуроний ва кексалар билан ишларни такомиллаштириш** йўналишида қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

маҳаллаларда **“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган** ижтимоий фаол нуронийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

**(Давоми 2-бетда).**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ДАХЛДОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ватанимиз равнақига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин ва батафсил кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида асосий эътибор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эга экани, унинг зарурати ҳамда аҳамиятига қаратилди.*

### Давлат мулкидан самарали фойдаланиш зарурати

“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама этилди. Ушбу ҳужжат билан давлат мулкига эгалик қилишни асослаш принциплари белгиланмоқда.

Шунингдек, давлат мулкини бошқариш соҳасида ваколатли давлат органи сифатида Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг асосий ваколатларидан бири сифатида давлат мулкини бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиши назарда тутиляпти.

Таъкидланганидек, соҳани тартибга солиш бўйича жорий амалиётда давлат мулкини бошқариш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш талаби белгиланмаган. Давлат корхоналари учун корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига асосан жамият (омма, барча фуқаролар) давлат активларининг охирги мулкдори ҳисобланиши, шу боис давлат мулкини бошқарувчи орган давлат мулкларини бошқариш соҳасида маълумотлар очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаши халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан тавсия этилган.

Мазкур қонун лойиҳасида агентлик ҳар йили 1 августга қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг ўтган йилги фаолияти натижалари тўғрисидаги йиғма ҳисоботни Олий Мажлис палаталарига, мамлакат Президентига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши ва ўз веб-сайтида эълон қилиши лозимлиги кўрсатилаётир.

Депутатларнинг айтишича, давлат мулкини сақлаш ва яхлитлигини таъминлаш ҳамда харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар барча учун очиқ бўлиши давлат мулкини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Амалдаги ҳужжат талабга жавоб берадими?

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Қайд этилганидек, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ҳамда кимёвий воситалардан фойдаланишнинг кенгайиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, хавфли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини мақбул хавф даражасига қадар камайтириш тақозо этилаётир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ушбу соҳанинг давлат назорати тўлиқ ўрнатилмаган. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар муомаласини асосий тартибга солувчи — “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг нормалари фақатгина ушбу воситаларни рўйхатга олиш жараёни билан чекланган.

➡ 2

### Парламент комиссияси

## БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИНГ ТАВСИЯЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда парламент комиссия аъзолари, Олий суд, Бош прокуратура, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ички ишлар, Ташқи ишлар, Мудофаа, Адлия вазирликлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 49-сессияси доирасида БМТнинг терроризмга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайннинг ҳисоботи эшитуви муносабати билан ташкил этилди.

Маълумки, БМТнинг махсус маърузачиси Ф. Ни Аолайн 2021 йил 29 ноябрдан — 7 декабргача расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташрифдан мақсад терроризмга қарши курашиш соҳасида давлат қонунлари, сиёсати ва амалиётининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга мувофиқлигини баҳолашдан иборатдир.

БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистон ҳукуматининг ташрифни ташкил этишга қаратилган кенг қамровли ва изчил ёндашувини юқори баҳолаб, ташриф кўплаб масалалар бўйича очиқ ва самимий мулоқот қилиш имконини берганини таъкидлаган.

➡ 3

## ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТ МОНИТОРИНГИДА ҚАТНАШИШГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРДИ



*Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси вакилларининг юқори палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.*

### Мулоқот

Қизғин ва очиқ савол-жавоб шаклида уюштирилган тадбирда сенаторлар ўзларининг ёш ҳамкасбларига қўмита фаолияти, унинг асосий вазифалари ҳамда ҳозирда кўриб чиқилаётган долзарб масалалар юзасидан атрофлича маълумот берди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлоднинг бекаму кўст камол топиши, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашига ҳамда ёшларнинг жамият бошқаруви жараёнига фаол кириб келиши учун яратилаётган кенг имкониятлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Ўз навбатида, ёшлар мамлакатимиз бўйлаб ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ва хорижий сармоялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали парламент мониторинги жараёнида иштирок этишга қизиқиш билдирди.

Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлашда иш берувчилар томонидан яратилаётган шароитларни парламент назорати тартибида ўрганиб бориш, махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида ёшлар томонидан таклиф этилаётган лойиҳалар ижросидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир таклифлар муҳокама қилинди.

Кўплаб таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланган учрашувда қўмита ҳамда Ёшлар парламентининг жорий йилга мўлжалланган биргаликдаги иш режасини шакллантириш ва шу форматдаги мулоқотни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**




*Бу йил кўклам серёғин бошланди. Мана, иккинчи ҳафтадирки, юртимизда тинимсиз ёмғир кузатилаётир. Бир қарашда, бу — яхши ҳолат. Чунки баҳор ёмғири қишлоқ хўжалиги экинларига жуда зарур. Қолаверса, ер сувга тўйинади, сув омборлари эса обиҳаёт билан тўлади. Далалар яшилликка бурканиб, чорва моллари озуқаси мўл бўлади.*

### Бугуннинг гапи

Аммо яна бир жиҳат борки, ёғингарчиликда қишлоқ хўжалиги экинлари экилишига, улар парваришига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизматидан тизимда бу борада ишлаб чиқилган тавсиялар, умуман, ёғингарчиликнинг соҳага таъсири ҳақида маълумот олдик.

Тақдим этилган манбаларга кўра, ёғингарчилик миқдорининг кўп бўлиши бошоқли дон етиштиришда ўсимликка берилган азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши, тупроқда намлик захираси тўпланиши, парваришланаётган бошоқли дон экинлари ҳамда лалмикор ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши, тупроқда намликнинг етарли ва ҳаво ҳароратининг паст бўлиши ҳамда бошоқли дон экинларининг қўшимча поя ҳосил қилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, тупроқнинг ҳайдов қатлами намга тўйинади, ғалла майдонларининг ҳар гектарига бир марта суғориш учун сарфланадиган 750 — 900 метр куб сув иқтисод қилинади. Бунинг ҳисобига сув омборларига йиллик истеъмол учун сув захиралари йиғилади.

Ғалла майдонлари эрта баҳорги азотли ўғитлар билан озиқлантирилган бўлса ривожи тезлашади, аммо озуқа етарли бўлмаган майдонларда ғалла ниҳоллари суст ўсади ҳамда қувват етмаганидан сарғайиб кетиш эҳтимоли мавжуд.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлардаги **“Фахрийлар кенгашлари”, фуқаролар йиғинларидаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш**;

меҳнат фахрийларининг **маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш**, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш;

**“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида** ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

**кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида** “Нуронийлар маскани” мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг **кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари** ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

2. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев):

а) **икки ой муддатда** Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда **“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нуронийлар ва зиёлиларни** ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктириш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, маҳаллалардаги **ёшларнинг тарбияси ва ахлоқида бўлган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб** нуроний ва зиёлилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади;

б) фуқаролар йиғинлари томонидан нуронийлар ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини** амалга ошириш бўйича маҳаллаларнинг дастурлари қабул қилинишини таъминласин;

в) фуқаролар йиғинларида **“Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг жамоатчилик назорати** йўналишидаги фаолиятини самарали ташкил этсин.

Бунда маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нуронийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади.

3. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартибини тақиқлаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб**:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба **санаторийларда бепул соғломлаштирилади**;

б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан, **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари** олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан **оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган** кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммаси компенсация қилинади**.

Бунда дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли **суммаси компенсация қилинади**;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) **жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун** абонемент харажатлари қопланади.

Бунда абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваридан ошмаган ҳолда** спорт йўналишидаги муассасаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади;

д) Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва музейларига кексалар учун **чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади**.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва маблағ ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

5. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Туризм ва маданий мерос вазирлиги (У.А.Азамов) билан биргаликда:

кексаларнинг республикамиздаги **диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини** ташкил этиш мақсадида Жамғармага ажратилган маблағлар ҳисобидан иккита замонавий автобус харид қилсин;

сайёҳлик сафарларини уюштириш бўйича тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларнинг рўйхатини шакллантирсин ҳамда туманлар (шаҳарлар) кесимида автобуслар қатновлари графигини тасдиқласин;

2022 йил учун графикда белгиланган сафарларни уюштириш жойи, вақти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари, шу жумладан, “Нуроний” электрон платформаси орқали **ҳудудлар аҳолисини камида уч ой олдиндан хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин**.

6. 2022 йилда Жамғарма маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ келгуси йилларда Жамғарманинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

7. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда:

а) **2022 йил 1 октябрга қадар** Жамғарманинг “Нуроний” электрон **платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятини йўлга қўйсин** ҳамда Жамғарманинг фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг платформада жойлаштириб борилишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг сарфланиши, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳисобот чораги якуни билан Жамғарманинг **расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади**;

Жамғарма ўз маблағларининг сарфланишига оид масалаларни муҳокама қилишга кенг **жамоатчиликни жалб қилган ҳолда,** ўз фаолиятининг аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботини **оммавий ахборот воситаларига тақдим этиб боради**;

б) **2022 йил 1 сентябрга қадар** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда кексаларга оид маълумот ва янгиликларни уларнинг мобиль телефон рақамларига **SMS-хабарнома юбориш орқали маълум қилиб бориш**ни ташкил қилсин;

в) **2022 йил 1 декабрга қадар** Жамғарманинг ягона электрон маълумотлар базасига кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор мурожаат қилиш каби масалалар киритилишини таъминласин;

г) **2023 йил 1 январга қадар** “Нуроний” электрон платформасини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия ва нафақа олувчиларнинг электрон маълумотлар базаси, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ҳамда “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. **2022 йил 1 майдан** бошлаб **ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари** ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг “Call-маркази”га қилинган мурожаатлар асосида қуйидаги хизматларни кўрсатади:

а) **ахборот-сервис хизмати**:

оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар **шифокорларининг кўригига ёздириш**, **уларни уйга кўрикдан ўтишга чақириш**;

Жамғарма **хизматларидан фойдаланиш учун буюртма бериш**, рўйхатдан ўтиш ва буюртманинг ҳолатига аниқлик киритиш;

Жамғарма томонидан **ташкил этиладиган профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари** бўйича маълумотлар олиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун **жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари)** тўғрисида маълумотлар олиш;

маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида **кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар** тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш;

б) **уйда хизматларни кўрсатиш**:

Жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида **дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-аравачаларни уйга етказиб бериш**;

шифокорлар рецептларига асосан ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига **дори воситаларини олиб келиш** ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокори кўригидан сўнг тиббий кўрик маълумотларини етказиш;

кутубхоналарга аъзо бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун **китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа нашрларни етказиш**.

9. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.А.Хаджаев), Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) билан биргаликда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканаллари орқали Жамғарманинг молиявий кўмаги асосида кексалар учун қуйидаги мазмундаги **кўнгилочар-маърифий кўрсатувлар ва видеороликлар эфирга узатилиши**ни ташкил қилсин:

а) **“Оталар сўзи — ақлнинг кўзи”** телекўрсатувининг ҳар ойда камида иккита янги сони.

Бунда кўрсатув мазмунан бойитилган ҳолда, **оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат** руҳида тасвирга олинади;

б) **“Нуронийлар маслаҳати”, “Маҳаллада гурунг” ва “Ёшлар нуронийлар нигоҳида”** рукни остида **обрў-эътиборли кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасига** бағишланган маърифий телекўрсатувларнинг ҳар кунлик сони;

в) замонавий тўлов воситаларидан ва банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда **молиявий саводхонликни ошириш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйиш** ҳамда ҳунармандчилик, касаначилик ва томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича қисқа метражли видеороликлар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган **кекса авлод вакиллари билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида “Кекса авлод учрашувлари”** мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этиб борилади.

Белгилансинки, маслаҳат суҳбатлари вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимлари иштирокида ташкилотнинг **сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари, истиқболдаги режалари ҳамда узоқ муддатли стратегик кўрсаткичлари** бўйича муҳокамали тарзда ташкил қилинади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Б.О.Саидов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** доимий равишда:

а) олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва мактабларда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида ҳаётий тажрибага эга бўлган **нуронийлар билан очиқ давра суҳбатларини, шу жумладан, видеоконференция тарзида ташкил этиш**;

б) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида **жойлардаги давлат органлари ва муассасаларининг малакали психологлари, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтёрлик гуруҳлари**ни ташкил қилиш.

Бунда волонтёрлик гуруҳлари томонидан **ҳар икки ойда камида бир маротаба** ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш масалаларини **мувофиқлаштиришга ёшлар етакчилари шахсан масъул ҳисобланади**.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарманинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг шакллантирилган ўз маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

13. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда **фаол қариш индексини жорий этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг кўламда ёритиб борилишини таъминласин.

15. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Т.Турдиев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 март

## Ишчи гуруҳ йиғилиши

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЁЛЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

*Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан “Марказий Осиё аёллари иқтисодий имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси (WEE) ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Онлайн форматда ташкил этилган тадбирда Марказий Осиёда аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда минтақада “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.*

Қайд этилганидек, “Марказий Осиё аёллари иқтисодий имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси АҚШ Савдо вазирлиги ҳамда Давлат департаменти томонидан ташкил этилган бўлиб, у минтақада хотин-қизлар томонидан бошқарилаётган бизнес ва тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва электрон савдони ривожлантиришга йўналтирилган.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия, Инвестициялар ва ташқи савдо, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳнинг мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” ва гендер тенгликни таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги тақдимоти бўлиб ўтди.

Мулоқотда кўпроқ давлат хизматларини онлайн жойлаштиришга ундаш ва аёлларнинг расмий иқтисодиётда фаол иштирокини рағбатлантирувчи далилларга асосланган сиёсат ишлаб чиқилишини рағбатлантириш, бизнесни рўйхатга олишда давлат хизматларини мақбуллаштириш бўйича илғор тажрибалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, хусусий сектор ва давлат хизматчилари ўртасидаги мулоқотни янги даражага кўтариш, рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, хусусий секторга минтақа аёллари иқтисодий имкониятини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муайян йўналишларда аниқ масалаларни кўтариш ваколатини тақдим этишга урғу берилди

Тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларининг адлия, статистика ва гендер масалаларига масъул вакиллари ҳам ўз тақдимотлари билан қатнашди.

Иштирокчилар муҳокама этилган масалалар бўйича қатор таклифларни билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ДАХЛДОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1

Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда минерал ўғитлар ҳамда кимёвий воситалардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг муомаласи, уларни сақлаш, йўқ қилиш жараёни тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Мажлисда халқ вакиллари лойиҳани янада такомиллаштириш, маромига етказиш ва пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича муҳим таклифлар, тавсиялар берди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик муқаррар

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат билан фитосанитария чораларига риоя қилмаслик, шу жумладан, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлик, карантин остидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари таъминланади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар карантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, реализация қилишда зараркунандаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилади.

Эътиборли томони, мазкур ҳужжат билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунийлиги мустаҳкамланади, агентлик зиммасига юклатилган назорат механизмлари такомиллаштирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Якка тартибдаги тадбиркорларга ташувчи мақоми берилса...

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таклиф этилаётган ушбу ҳужжат лойиҳасида ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиққа эга енгил автотранспортда йўловчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам ташувчи мақомини бериш кўзда тутиляпти.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат билан йўловчиларни, уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиққа эга енгил автотранспортда ташиш бўйича хизматлар кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши таъминланади.



Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан моддама-модда кўриб чиқилди ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берилди. Давомли савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Электрон тижорат: инновацион усуллар доираси кенгаяди

“Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан электрон тижоратни ривожлантириш, ички ва халқаро бозорларда тадбиркорлик субъектларининг самарали рақобати учун шарт-шароитлар яратиш орқали электрон тижоратнинг инновацион усуллари доирасини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш назарда тутиляпти.

Шунингдек, электрон шартномаларни тузишнинг аниқ тартиби, сотувчи ва харидорларнинг ҳуқуқлари, электрон тижоратда тўловларнинг рухсат этилган шакллари белгиланаётир.

Қонун лойиҳасида акс этаётган нормалар электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришдаги кераксиз бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДАГИ МАЖБУРИЙ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИЛГАНИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

◄1 Энди компаниялар ўзлари меҳнат ҳуқуқларига амал қилинишини баҳолашлари ва Ўзбекистондан пахта сотиб олиш бўйича қарор қабул қилишлари керак», деб ёзади Ўмон нашри мухбири.

Мақолада Ўзбекистон пахта-тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича жозибадор мамлакатга айланиш салоҳиятига эга эканлиги алоҳида таъкидланган.

«Бойкотнинг бекор қилиниши тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради», дейилади «Asdaa Oman» газетасида.

Бундан ташқари, жорий йил 14 март куни **Афғонистонда инглиз тилида чоп этиладиган «The Kabul Times» газетаси** саҳифасида босилиб чиққан «Ўзбек пахтасига қўйилган глобал бойкот олиб ташланди» сарлавҳали мақолада «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтаси ва тўқимачилик саноати маҳсулотларига нисбатан жорий этилган бойкот тугатилганини эълон қилгани билан боғлиқ тафсилотлар газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Унда, жумладан, «яқинда «Cotton Campaign» халқаро коалицияси раҳбари Беннет Фриман раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек пахтаси ва тўқимачилик саноати маҳсулотларига нисбатан жорий этилган бойкот олиб ташланганини билдирди», дейилади.

Нашрда Ўзбекистонда пахта йиғим-теримидаги мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилгани ҳамда бу йўналишда эътиборга молик янги ислоҳотлар амалга оширилаётгани бойкотни олиб ташлашга замин бўлгани маълум қилинган.

Мақолада ўзбек пахтасидан бойкотнинг олиб ташланиши, биринчи навбатда, тўқимачилик саноатида фаолият кўрсатадиган дунёнинг етакчи корхоналари Ўзбекистон бозорига кириб келиши учун имкон яратгани, шунингдек, пахта саноати соҳасида кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги даражасининг оширилишига хизмат қилиши ҳам алоҳида таъкидланган.

**«Дунё» АА.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон элчихонаси:

# АҚШДАН ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАРДАН ИБОРАТ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИНГ НАВБАТДАГИ ТУРКУМИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ЖЎНАТИЛДИ

*АҚШдан Қорақалпоғистон тиббиёт муассасаларига тақдим этиш учун 3 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуна ва тиббий буюмлардан иборат навбатдаги инсонпарварлик юклари ортилган тўртинчи контейнернинг жўнатилиши ташкил этилди.*

Инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон элчиси Жавлон Ваҳобов ва «Project C.U.R.E.» хайрия ташкилоти президенти Дуглас Жексон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида тиббий буюмлар ва жиҳозларни етказиб бериш бўйича келишувлар доирасида шакллантирилди.

«Project C.U.R.E.» ташкилотининг халқаро ҳукуматлар билан ишлаш бўйича директори Мелис Эспости маълум қилишича, Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабига мувофиқ шакллантирилган гуманитар юкларнинг умумий ҳажми 6,5 тоннадан ошади.

Юк таркиби операция столлари учун матраслар, гемодиализ аппаратлари, чақалоқлар учун интенсив терапия инкубаторлари, лаборатория анжомлари, тиббий кислород баллонлари ва бошқа асбоб-ускуналардан ташкил топган.

Элчихона томонидан тақдим қилинган маълумотларда қайд этилишича, беғараз ёрдам юклари ортилган контейнер АҚШ — Испания — Греция — Грузия — Ўзбекистон йўналиши бўйича денгиз ва қуруқлик йўллари орқали Қорақалпоғистонга элтилади. Юкни манзилга етказиб бериш 2022 йил май ойининг охирига қадар якунланиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси 6 февраль куни «Project C.U.R.E.» билан ҳамкорликда Нукус шаҳрига умумий ҳажми қарийб 7 тоннадан иборат учинчи контейнерни жўнатган эди. Ушбу кўмак 2022 йил апрель ойининг охирига қадар манзилга етказилади.

Ўтган йилнинг май ойида Қорақалпоғистон тиббиёт муассасалари шошилинч тиббий ёрдам марказларини жиҳозлаш буюмларини ўз ичига олган «Project C.U.R.E.» гуманитар ёрдамининг дастлабки иккита контейнерини қабул қилиб олган эди.

Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси Оролбўйи минтақасига инсонпарварлик ёрдамининг бундан кейинги туркумини тайёрлашнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилиш мақсадида «Project C.U.R.E.» лойиҳаси вакиллари билан музокаралар олиб бормоқда.

«Project C.U.R.E.» нодавлат-нотижорат ташкилоти 1987 йилда ташкил этилган бўлиб, у ривожланаётган мамлакатларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар танқислигини бартараф этиш борасида кўмак кўрсатади.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

◄1 Маълумки, коалиция ўтган йили юртимиз пахта далаларида болалар ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмагани боис шундай қарорга келди. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик сиёсати ва болалар мажбурий меҳнатидан воз кечиш, аграр соҳадаги кенг кўламли ислоҳотларимиз халқаро майдонда катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганлигини билдиради. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳамда жамиятда чинакам демократик тамойиллар қарор топишига қаратилган чуқур сиёсий ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи ҳамдир.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришдаги машаққатли йўлимиз янги Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва нодавлат тузилмалари билан конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқ эканлигини тасдиқлади.

Айтиш жоизки, ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистонда 2019 — 2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг бир қатор конвенциялари ва баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнати, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Бу борадаги институционал базани янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ташкил этилган бўлиб, бу тузилма айни пайтда республикамиз ўз зиммасига олган барча халқаро мажбуриятлар ижросини муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Ўзбек пахтаси бойкоти бекор қилиниши қандай манфаатлар келтириши кўпчиликка маълум. Шундай бўлса-да, уларнинг айримлари хусусида тўхтаб ўтмоқчимиз. Бу, аввало, жаҳоннинг етакчи брендларининг Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиши учун кенг йўл очиб беради. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширади ҳамда пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатига энг илғор технологияларни жалб қилиш, шунингдек, кўплаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

> *Айтиш жоизки, ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистонда 2019 — 2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг бир қатор конвенциялари ва баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнати, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.*

Мамлакатимизнинг ушбу ютуғи мураккаб ва сермеҳнат жараён бошида эканлигимизни англатади. Зеро, ҳеч бир ғалабага осонликча эришилмайди, аммо уни ушлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ундан-да кўпроқ саъй-ҳаракат талаб этишини барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, биз, сенаторлар ҳам ушбу йўлда масъулларга елкадош бўлишга доимо тайёрамиз.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

# ПАРЛАМЕНТ ВАКИЛЛАРИ ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

*Сўнгги йилларда Олий Мажлис Сенати мутлақо янги форматда фаолият олиб бормоқда. Бугун сенаторлар жойларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан уларни қийнаб келаётган масалалар юзасидан мулоқотлар ўтказмоқда, турли тадбирларда, умуман, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб келаётир.*

## Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, куни кеча Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов ва унинг ўринбосари Б. Матмуратов Хоразм вилоятида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ҳамда кўп квартирали уйларда чиқиндиларни тўплаш шохобчалари ва маҳаллаларда чиқиндиларни йиғиш юмушларини таҳлил қилиш, шу йўналишда фаолият кўрсатувчи субъектлар иши билан танишиш мақсадида мазкур ҳудудда бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони асосида амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимиз бўйича 2021 йил куз фаслида 85 миллион тупдан ортиқ дарахтлар экилди, 2022 йил баҳорида 105 миллионта кўчат ўтказилиши режалаштирилган. Шу боис ҳозирги пайтда кўчат экиш юмушлари бутун мамлакатимиз бўйлаб жадаллик билан давом эттирилаётир.

Айни кунларда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 10 гектарлик яшил жамоат парки ва 6 гектар майдонда яшил боғ ташкил этилмоқда.

Сенат аъзолари ташриф жараёнида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хоразм миллий боғи фаолиятини ҳам ўрганди. Ҳозирда бу боғда ҳудуднинг иқлим шароитига мос бўлган жийда кўчатлари етиштирилмоқда. Шунингдек, бу ерда чўл ва сувсизликка чидамли туранғи ва саксовул кўчатлари ўстириш йўлга қўйилган.

Сенаторлар Урганч шаҳридаги 30-мактаб ва Урганч шаҳар марказий шифохонаси ҳудудида кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган дарахт экиш акцияларида қатнашди.

Шунингдек, Урганч шаҳри ва Урганч туманида маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Urganch Eco Trans" кластери фаолияти билан ҳам танишилди.

---

Фарғона вилоятида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман ва шаҳарлар студиялари билан видеоконференцалоқа шаклида боғланган ҳолда ўтказилган йиғилиш кун тартибига кўра, Сенат ишчи гуруҳи томонидан вилоятда аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Унда мақсадли скрининг тадбирларини мунтазам ўтказиш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ҳолати юзасидан олиб бориладиган ўрганишларни тизимли йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни тегишли тартибда ҳал этиш асосий мақсад эканлигига ҳам урғу берилди.

Сенат ишчи гуруҳи аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияси аъзолари, вилоят соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари қатнашган йиғилишда ўрганиш натижаларини Олий Мажлис Сенати қўмитасининг халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан биргаликда шу йил март ойида ташкил этиладиган сайёр мажлисида муҳокама қилишга келишиб олинди.

---

Навоий вилоятида Сенатнинг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Боқиев, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун ва Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасидаги фаолияти муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вилоятда бу борада муайян ишлар қилинган. Аммо ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида очиқликни таъминлаш билан боғлиқ қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борки, уларни бартараф этиш бугунги кунда жуда долзарб.

---

Президентимизнинг 2022 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида куни кеча 300 нафардан зиёд фуқаролар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилди.

Ушбу тадбирда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Мудофаа вазирлиги вакиллари, тизим фахрийлари, республика ҳарбий прокуратураси, пойтахтимизнинг Олмазор, Бектемир, Чилонзор ва Миробод туманлари ҳокимликлари вакиллари, ёш аскарлар оила аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Кузатув маросимида таъкидланганидек, миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳарбий хизматчиларнинг маънавий, жисмоний тайёргарлигини ошириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда.

— Муҳими, бугун Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди, — деди сенатор. — Ҳар йили билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларини тўлдираётгани эса ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.

**«Халқ сўзи».**

# ҚУЙИ ПАЛАТА ФАОЛИЯТИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ

*Парламентдаги баҳс-мунозараларда ойдинлашган ҳақиқатнинг қонунларда акс эттирилишига эришиш — халқ манфаати йўлида қилинган ишларнинг энг самаралиси. Қонунчилик палатаси фракцияларида депутатлар томонидан муҳокама қилинган, ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар бўйича бу гал ҳам фракциялар ўз позицияларида мустаҳкам туришди.*

## Нуқтаи назар



Йиғилишни тўғридан-тўғри эфир орқали кузатиб борган ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг сони эфир бошланиши биланоқ минг нафардан ортиқни ташкил этган бўлса, 2 соат ичида жонли эфир жами **4 минг 567 марта, шундан *"Facebook"*да 454 марта, *"YouTube"*да эса 3 минг 858 марта** кузатиб борилган.

Қувонарлиси, кузатувчиларимиз сафи кўпаймоқда.

**Олмосбек Сафаров** *"Шундай қонун ишлаб чиқингларки, ДАВЛАТГА қанча фойда берса, ХАЛҚҚА ҳам шунча фойда берсин"*, деб ёзади. Аслида ҳам қонунларимиз инсон мафаатлари йўлида хизмат қилишни назарда тутган. Биз эса Олмосбек Сафаров каби кузатувчиларимизнинг истакларини инобатга олган ҳолда ялпи мажлисларимизни ошкора, тўғридан-тўғри ёритиб боряпмиз.

*"Facebook"*да йиғилиш бўйича 20 нафар фойдаланувчи томонидан 32 та муносабат билдирилган.

*"YouTube"*да 120 *дан ортиқ* фойдаланувчилар томонидан 300 дан *ортиқ* муносабатлар қолдирилган.

Йиғилишда бугун инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш ва бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимгидан-да устувор вазифа сифатида қаралаётгани таъкидланди. Куни кеча мамлакатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам ишлаб чиқариш корхоналарини йўлга қўйиш, иш ўринлари яратиш, бозор иқтисодиётини яхшилаш, соғлом бозор рақобатини йўлга қўйиш, нархнаво барқарорлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилгани айтилди. Қонунчилик палатаси регламентига мувофиқ депутатлар март ойи охирида сайлов округларида бўлганида аҳолига бу ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатлари учун хизмат қилишини тушунтириш лозимлиги таъкидланди.

Айнан шундан келиб чиқиб ижтимоий тармоқ кузатувчиларининг аксарият саволлари бозорларни тартибга солиш, нархларни арзонлаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида бўлди.

Аммо кун тартибига киритилган 16 та масала бўйича мулоҳазалар, саволлар камчиликни ташкил этди. Аслида, қонунлар маълум бир соҳадаги ҳаракатларни тартибга солса, уларнинг барчаси халқ учун хизмат қилади. Сабаби, қонунлар ишлаган, тартиб ўрнатилган, ислоҳотлар ҳаётимизнинг ҳар бир бўғинига кириб борган жойда аҳолининг кайфияти яхши, бугунги кунидан рози бўлади.

Ялпи мажлис муҳокамаларининг барчаси мана шу жиҳатга қаратилди.

Кун тартибига киритилган **"Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"**-ги қонун лойиҳасига одатдагидан ташқари иккита қўмита масъул бўлди.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан кўриб чиқилган лойиҳада ҳисобдорлик принципи алоҳида муҳокамаларга сабаб бўлди. Давлат органлари, ташкилотлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ишониб топширилган давлат мулкидан қандай фойдаланилаётганини назорат қилиш Давлат активларини бошқариш агентлигининг асосий вазифаси. Ҳисобдорлик масаласи эса айнан мана шу назоратни амалга оширишга хизмат қилади. Бир гуруҳ депутатлар томонидан билдирилган таклифга асосан 7-моддага бир қатор ўзгартишлар киритилди.

**Good Mam** *"Шу йиғилишни атайлаб автомашинамни бир четга олиб кўряпман, янгилик бўлиб қолармикан?"*, деб ёзган. Кузатувчиларимиз учун аслида ҳар бир қабул қилинаётган қонунларимизда янгиликлар бор. **"Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳасида йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш назарда тутилган. Депутатлар яна мажбурий суғурта ва пул йиғиш масаласи дея муҳокама аввалида танқидий фикр билдиришган бўлса, якунда мулк эгасига кафолат, ташувчилик хизматини кўрсатувчи ва фуқаролар учун ҳам бир қатор қулайликлар моддаларда акс этганини таҳлил қилиб, лойиҳани қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, кун тартибига киритилган яна бир муҳим масала, **"Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисида"**ги қонун лойиҳасида ҳар доим энг муҳим тармоқ ҳисобланган деҳқончилик, ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш, бу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, деҳқончилик маданиятини шакллантириш, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган.

Яқин беш йилда кўпчилигимизга унут бўлган деҳқончилик маданиятининг тикланиши орқали ноёб, янгича ўсимлик турларини етиштириш йўлга қўйилди, экспорт кучайди. Ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик билан бир қаторда одамларнинг тирикчилиги манбаи бўлган деҳқончилик ҳам тараққий этиб боряпти. Ўз вақтида ташкил этилган Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бу тармоқни янада ривожлантиришга хизмат қилди. Депутатлар муҳокамалар жараёнида, ердан тўғри фойдаланмаслик, масъулиятсизлик оқибатида ўзганинг томорқасига зарар етказиш каби ҳолатларда жазо тайинланиши белгиланган нормаларга алоҳида эътибор қаратишди.

Албатта, қизғин баҳс-мунозаралар билан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларига бир қатор кузатувчиларимиз ҳам ўз муносабатларини билдириб борди.

**Руслан Аманов** *"Қонунларнинг қатъиян бажариш механизми тўғрисида бош қотириш лозим. Монополия, коррупция ҳолатларини чеклаб ўтган ҳолда, ҳар бир қонун ўзгариши халқ манфаати, Ватан равнақи учун хизмат қилиши керак, яъни етти ўйлаб, бир қарорга келсалорингиз, мақсадга мувофиқ бўлади"*, деб муносабат билдирган.

Биз кузатувчимизни ишонтириб айтишимиз мумкинки, ҳар бир қабул қилинаётган қонун ойлаб муҳокама этилади, коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар олиб ташланади, амалиёт билан солиштирилади ва албатта, халққа хизмат қиладиган даражада маромига етказилади. Ялпи мажлисларда айрим ҳолларда муаммолар кўтарилмагани, бу, демак, қўмита, фракцияларда кераклича муҳокама қилиниб, бир тўхтамга келинган. Келишолмаган тақдирда эса ялпи мажлисда яна муҳокама очиш имконияти берилади ва масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

**Зоҳидахон Турдиева** *"Депутатларимиз адолатлилик йўлида ишлашдан асло чарчаманглар"*, деб ёзади. Биз ҳамма нарсада, қонунда ҳам, ҳаётда ҳам, муносабатда ҳам, ҳатто фикрда ҳам адолат бўлиши тарафдоримиз. Энг асосийси, ҳар бир кузатувчимизнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва ҳатто танқидлари ҳам эътиборимиз марказида. Тўғридан-тўғри эфир пайтида келиб тушган саволлар, асосли мурожаатлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйганмиз ва албатта, уларнинг натижалари билан ҳам таништириб борамиз.

**Умида РАҲМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИНГ ТАВСИЯЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◄1 Ф. Ни Аолайн Ўзбекистон ҳукуматининг Сурия, Ироқ ва Афғонистондан аёллар ва болаларни репатриация ва реинтеграция қилиш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда яратилган ҳамда оила ва жамиятга асосланган репатриация модели — боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш ва зиддиятли зоналардан қайтган аёлларни сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий фаолиятнинг устувор йўналиши сифатида қайта интеграция ва репатриация қилишнинг энг яхши намунасидир.

БМТ махсус маърузачиси инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шу жумладан, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлиши ва улардан фойдаланишини таъминлашга Ўзбекистон ҳукумати томонидан қаратилган амалий эътиборни олқишлади. Шунингдек, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа муассасалари, жумладан, ўзининг офиси ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Комиссия йиғилишида БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистон ҳукуматига тақдим этган тавсиялар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан:

— экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида мамлакатимиз қонунчилигини янада ислоҳ қилиш;

— ФАТФ тавсияларига ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларга риоя этган ҳолда, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

— инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кенгайтириш, жумладан, сўз эркинлиги, йиғилишлар эркинлиги, адолатли иш юритиш, қамоқда сақлаш учун муносиб шароитлар, қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи, шунингдек, дин эркинлиги ҳуқуқи ва бошқа бир қатор тавсиялар атрофлича муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан мазкур тавсиялар, жорий амалиётга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган Миллий ҳаракатлар режасида ўз аксини топиши қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**



# ЁМҒИРНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

←1

Серёғин йилларда ғаллазорларда замбуруғли касалликлар — сариқ ва қўнғир занг, септариоз, илдиз чириш кабилар кенг тарқалиши кузатилган. Яъни эрта баҳорда ҳавонинг нисбий намлиги 60 фоиздан юқори бўлиб, ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 7 — 15 даража илиқ бўлганда, сариқ занг касаллиги, агар ушбу намликда ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 15 — 25 даража бўлганда эса қўнғир занг касаллиги кенг тарқалишига шароит туғилади. Қолаверса, эрта баҳордаги етарли намлик ва нисбатан иссиқ об-ҳаво ғаллазорларда бегона ўтларнинг жадал ўсишига олиб келади.

Шу боис деҳқонларимиздан алоҳида масъулият талаб этилади. Хусусан, ғалла майдонларида суғоришни тартибга солиш лозим. Агар, суғоришга эътиборсизлик қилинадиган бўлса, дала шароитида намлик юқори бўлиб, ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар ривожланиб, бегона ўтлар кўпаяди. Сизот сувлари яқин жойлашган ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган ҳудудларда касалликларнинг олдини олиш учун доимий кузатув ишлари олиб борилади.

Юртимизда бугунги кун шароитида, ғаллачиликдаги зарарнинг олдини олиш мақсадида занг ва бошқа касалликларга, бегона ўтларга ҳамда зараркунанда ҳашаротларга қарши кимёвий курашиш учун 1,5-2 марта тўлиқ ишлов беришга етарли кимёвий воситалар захираси яратилган. Далага чиқиш имконияти бўлиши билан ғалла майдонларида тўлиқ профилактик ишлов бериш ишлари амалга оширилади.

Чигит экиш ҳам қишлоқ хўжалигининг муҳим тадбирларидан ҳисобланади. Об-ҳаво серёғин келганда, айниқса, чигит экиш учун кузда шудгор қилиб қўйилган майдонларда намлик захираси ошиб, чигитни тупроқнинг табиий намлигида ундириб олиш имкони юзага келади.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг 440 минг гектардан ортиқ шўри ювиладиган пахта майдонларида баҳорги ёғин-сочин сувларидан шўр ювиш ишларида фойдаланиш яхши самара беради. Бунда тупроқнинг механик таркиби ва ерларнинг шўрланиш даражасидан келиб чиқиб, шўр ювиш учун олинган майдонлар ёмғир ва сел сувлари билан тўлиб, қарийб бир мартагача шўр ювиш учун сарфланадиган дарё сувлари тежалишига эришилади. Шу билан бирга, нам суви бериб, чигит экиладиган Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Жиззах, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида (республика бўйича 332 минг гектар) кузда ва эрта баҳорда олиб қўйилган пушталар ёмғир суви билан тўлгани боис, табиий намлик захираси яратилади. Лекин кетма-кет ёғин ёғиши ҳисобига баҳорги далада бажариладиган агротехник тадбирлар — ер текислаш, пушта олиш, суғориш, экишолди ерга ишлов бериш, экиш ишлари кечикишига олиб келади. Бундай пайтларда деҳқон ва фермерлар кўп йиллик тажрибага эга бўлган олим ва мутахассислар тавсияларига, илғор тажрибаларга таянган ҳолда ишни ташкил қилгани маъқул.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча тоифа хўжаликларида жами 337 минг гектар боғ ва 182 минг гектар узумзор мавжуд. Ёмғир гуллаш фазасига кирган ўрик, шафтоли, бодом боғлари ҳосилдорлигига зарар етказмайди. Фақат чангланиш муддатини секинлаштириши мумкин. Фойдали томони тупроқдаги намлик ҳисобига охирги икки йилда барпо этилган 88 минг гектар мевали боғлар ва 75 минг гектар узумзорларнинг илдиз тизими яхши ривожланади. Айниқса, лалми ерларда парваришланаётган боғларнинг ер ости сувлари захираси таъминланади.

Яна бир гап. Шу ҳафтада Ўзбекистонга Волга бўйидан совуқ ҳаво кириб келиши кутилмоқда. Ёғаётган ёмғир қорга айланиб, ҳарорат -10 даражагача тушиши мумкин. Бу ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига янада масъулият билан ёндашишни талаб қилади, албатта.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

Истеъдод

# «ОТА-ОНАМ БУГУНГИ ЮТУҚЛАРИМНИ КЎРИШИНИ ЖУДА ИСТАР ЭДИМ...»



*"Президентимизнинг шу йил 5 мартдаги қарори билан халқимизнинг севимли шоираси номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганим мен учун улкан шараф ва масъулиятдир. Ушбу юксак мукофот ва ишончга муносиб бўлишга, келажакда билимим, ижодим, меҳнатим билан она Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишга сўз бераман".*

*Бу — Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 3-босқич талабаси Василиса Найпакнинг сўзлари.*

Ноёб истеъдодли, зукко, ўзбекона лутф ва хулқ соҳибаси бўлган бу қиз билан суҳбатлашиб, армонлар, аччиқ тақдир уни эрта улғайтирганини ҳис этиш қийин эмас. Ҳаёт синовларига қарамай, эртанги кун истиқболи учун дадил қадам ташлаётган фарғоналик бу қиз эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ.

— Марғилон шаҳридаги Меҳрибонлик уйида улғайганман, — дейди Василиса ўзбек тилида бурро-бурро сўзларкан. — Онамни фақат суратлари орқали танийман. Чунки волидам 5 ёшимда вафот этган. Отам ёлғиз суянчим эди. Кутилмаганда 11 ёшимда отамдан ҳам айрилдим. Бир муддат отахоним болалар уйига мени йўқлаб келмай қўяди, хавотир олиб юрдим. Уч-тўрт ойлардан сўнг, ота томондан қариндошлар келиб, у киши вафот этганини айтишганида кўзимга дунё тор кўриниб кетди...

Ўша куни суҳбат якунида амакиси Василисанинг ғам-гуссадан янада кичрайиб кетган жуссасига термилиб, сўнгги сўзини айтади:

— Оиламиз билан Украинага кўчиб кетяпмиз, истасанг, ҳужжатларни тўғрилаб, сени ҳам бирга олиб кетишимиз мумкин.

— Йўқ, мен шу ерда қоламан! — дея жавоб беради Василиса қатъийлик билан. — Боиси шу юрт, унинг меҳрибон инсонлари мени оқ ювиб, оқ таради. Ўзбекистон — менинг она Ватаним, тақдирим, келажагим ҳамдир.

Меҳрибонлик уйида гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб юрган қизалоқ қалбга ором бахш этадиган ўзбек мумтоз куй-қўшиқларини тинглаб, таскин-тасалли топади. Кунлардан бир куни у тарбиячи опага юзланади: "Мен мусиқа тўгарагига аъзо бўлишни хоҳлайман".

Шу тариқа у Марғилон шаҳрида жойлашган 8-ўрта таълим мактабида ўқиш билан бирга шаҳардаги болалар мусиқа ва санъат мактабининг миллий чолғулар йўналишида таҳсил ола бошлади. Дутор чалиш сир-асрорларини тўлиқ ўргангач, устозлари тавсияси билан фортепиано чалишни ҳам ўзлаштирди.

2019 йили Фарғона санъат коллежи ўқувчиси сифатида у Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлди. Шу йили мусиқий илм сабоқларини янада ошириш мақсадида пойтахтга йўл олди. Айни пайтда у Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг энг фаол талабаларидан бири.

— Орзуим институтнинг магистратура босқичида ҳам ўқиб, етук бастакор бўлиш, — дейди Василиса. — Боиси мусиқа аллақачон ҳаётимнинг мазмунига айланган. Дуторда мумтоз куйлар чалиб, қўшиқларимизни тинглаб, эртанги кунга ишонч, куч-қувват оламан.

Ота-онам бугунги ютуқларимни кўришини жуда истар эдим. Аммо Меҳрибонлик уйидаги тарбиячи-мураббийларим, мусиқа мактаби ва институтдаги устозларим ота-онамдек меҳрибон. Ҳамиша бошимни силаб, қўллаб-қувватлашади.

Аслида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш юртимиздаги барча қизларнинг орзуси. Халқимизга, Ватанимизга, юртимизнинг ардоқли шоираси номига муносиб бўлиш бизнинг бурчимиз.

Биз ҳам тинимсиз изланишда, ҳаракатда бўлган бу дилбар қизнинг орзулари рўёбга чиқишини тилаймиз. Ижоддаги парвозинг юксак бўлаверсин, Василиса!

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

Фикр

# НАФИС ХИЛҚАТ ЭГАСИ ВА ЖАМИЯТ МУРАББИЙИ

*Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони нозик хилқат вакилларининг фаоллигини ошириш, фаровон турмуш кечириши учун зарур шароит яратишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.*



Ушбу ҳужжатда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур, ушбу дастурни 2022 — 2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланиши белгиланди.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтирилади. Бу эса ўқийман, таълим оламан, келгусида жамият ривожи, илм-фан равнақига ўз ҳиссамни қўшаман деган қизларимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм молиялаштирилиши, хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича 10 нафар хотин-қизга ҳар йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилиши қизларимизга янги имкониятлар эшигини очади, десак, муболаға эмас.

Яна бир муҳим жиҳат. 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади. 1 апрелдан бошлаб эса "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" ва "темир дафтар"га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни "Халқпарвар" комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилди.

Умуман, аёл — нафис хилқат, жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси. У чексиз меҳр-муҳаббатга муносиб. Ишончимиз комилки, мазкур Фармон уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ишлаши ва ҳам оила, ҳам жамиятдаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

**Нигора ҚУТЛИМУРОДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ВЕЛОСИПЕДДА... МЎЪЖАЗ КУТУБХОНА

*Фарғоналик Сардор Мадғозиев китобсевар оилада камолга етди. Шу боис ҳам болаликдан мутолаага бўлакча меҳр қўйди. Китоб ўқиш завқи ила ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурларини бойитиб борди.*

Интилиш



Айни чоғда буни тенгдошлари билан ҳам баҳам кўришни истаб, уларни мутолаага ундашдан зерикмади, чекинмади. Охир-оқибат, китобсеварликни тарғиб қилиш унинг мақсад-муддаосига айланди. Ана шу мақсад етовида Сардор велосипедда мўъжаз кутубхона ташкил этиб, аҳоли гавжум жойларда янги китоблар савдосини йўлга қўйди.

— Дастлаб Фарғона шаҳрининг ҳар бир маҳалласи, кейинчалик вилоятнинг туман-шаҳар марказларида шу каби онлайн кутубхона савдосини йўлга қўйишни режалаштиряпман, — дейди Сардор Мадғозиев. — Велосипед маҳаллий усталар ёрдамида қайта жиҳозланди. Албатта, бу осон кечгани йўқ. Лекин инсонда хоҳиш устун бўлса, ҳамма нарсанинг имконини топиш мумкин.

Сардорнинг бу лойиҳаси — онлайн китоб савдоси каттаю кичик фарғоналиклар, хусусан, олий таълим муассасалари талабалари, ўқувчи-ёшларга жуда ҳам манзур бўлмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎЛЧОВИ БОРМИ?

## ЁКИ «СОЦИОЛОГИК ТАРОЗИ» МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

*Баъзида "Маънавият, тарбияни ўлчаб, баҳолаб бўлмайди-да", деган фикрларни эшитамиз. Лекин социология тарихига назар солсак, маънавиятни ўлчаш бошланганига бир асрдан ошганини кўрамиз. Ҳар ишни баҳолашда қиёс керак. Демак, маънавий, ахлоқий тарбия самарадорлигида ҳам. Ўлчов, ўлчам бўлмаса, ҳеч нарсани кўп ё оз, яхши ё ёмон, узоқ ё яқин, деб бўлмайди. Маънавиятни ўлчаш ҳам баҳолашдан бошланади. Бунинг асосий воситаси дунёда машҳур соҳа — тарбия социологияси.*

Мушоҳада

Социология — халқни, жамиятни ўрганиш илми. Социологик сўров ва тадқиқотлар объект ҳақида ҳар томонлама ишончли маълумотларни олишда самарали восита ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда ҳар қандай ижтимоий жараённи амалга оширишда аниқлик, натижадорлик, ишончлилик, очиқлик талаб қилиняпти.

Олий таълим муассасаларидаги ёшлар масалалари, маънавий-ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини оширишда талабалар жамоаси билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни англаш, кузатиш, мезонларни белгилаб, санаб, қайд қилиш зарур бўлади. Чунки талабалар маънавияти бор. Ва у бор экан, ўз кучини кўрсатади. Яъни талабаларнинг маънавияти, ахлоқи уларнинг барча қиладиган ишлари, фикрлари, уларнинг юзи, кўзи, хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Ҳар қандай маҳсулот, ишлаб чиқариш истеъмолчининг истак-хоҳиши билан боғлангандагина самара бера олади. Бироқ ўтган йилларда биз маънавий-ахлоқий тарбия ишлари режасини тузишда истеъмолчилардан, яъни талабалардан сўраб ўтирмаганмиз. Кўпинча ўзимиз белгилаганмиз — талабаларнинг маънавий эҳтиёжларини сўраб ўрганмаганмиз. Шу сабабли кўпгина маънавий-маърифий тадбирларимиз талабаларга зерикарли бўлган ёки бўляпти. Бу албатта, тадбирларнинг самарадорлигини пасайтиради. Мана шу муаммони ҳал қилишда социология бизга ёрдам беради.

Мамлакатимизда инсонлар турмуш тарзини фаровонлаштириш мақсадида тизимни, соҳаларни яхшилаш учун қанча Фармон ва қарорлар, меъёрий асослар керак бўлса ишлаб чиқилиши, имзоланиши катта натижалар бермоқда. Биргина Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги охирги беш йилда тизимдаги ёшлар билан ишлаш, маънавий-ахлоқий тарбия борасида бир талай ишларни амалга оширгани эътиборга молик. Келинг, шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтайлик.

*Биринчидан,* олий таълим тизимининг кўпгина ҳужжатлар ғояси, ишларни ташкил этиш ёки бошқариш методикасида шакли ва даври маънан эскирган эди. Тизимдаги айрим ҳужжатлар қабул қилинганига 10, 15 йиллар бўлган, асосий масала — бажариладиган ишлар дастури, режаси ҳар йили такрорланадиган бир хил қолипда ишланарди. Ўз-ўзидан аёнки, амалга ошириладиган тадбирлар ҳам ҳаминқадар бўлган. Яъни ҳар йили бир гап такрор келаверар эди.

Масалан, биргина "Талабалар турар-жойи" низоми 2006 йилда тасдиқланганди. 15 йил ичида ҳеч ким бу низомни қайта ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида бош қотирмаган ҳам. Ваҳоланки, XXI аср, глобаллашув шароитида, дунёда тараққиёт сари илдамлаш учун қанчадан-қанча инновацияларга қўл урилмоқда, яратувчанлик, янги ғоялар машиналари кун эмас, балки ҳар соатда, дақиқада янгиланмоқда, кашфиётлар намуналари олимлар, ҳатто талабалар томонидан яратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. 2017, 2018 йилларда ва бугунги кунга қадар олий таълим тизимидаги барча меъёрий асослар, ҳужжатлар олий таълим ривожи, талабаларнинг юксалиши учун қайта имзоланди, имзоланмоқда.

*Иккинчидан,* маънавий-маърифий ишларга масъул декан муовини жамоатчилик асосида, лекин ҳамма ишга жавобгар эди. У жамоатчилик асосида ишлагани учун арзимас устама ҳақ оларди. Ва албатта, йиллар давомида бу жамоатчи маънавият фидойиларининг норози кайфиятда жамоавий ёки талабалар иштирокидаги ишларни, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳолатлари мавжуд эди. 2017 йилдан бошлаб олийгоҳда алоҳида ҳаракат бўғини бўлган ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовинининг мақоми ва штат бирлигида энг баланд ойлик маоши белгиланди.



*Учинчидан,* маълумки, яқин йилларгача олий таълим муассасаларида мураббийлик тизими асосида иш олиб бориларди. Бунда мураббийлик тизими профессор-ўқитувчи хоҳласа-хоҳламаса мажбурий юклама сифатида академик гуруҳларга бириктирилганди. Бу мажбурий юклама боис ўқитувчи бир кунда уч пара дарси бўлса, бириктирилган гуруҳларга фақатгина танаффус вақтида эшикдан мўралаб ёки гуруҳ сардоридан шунчаки ким бор, ким йўқлигини билиш, "Нима муаммо бор?" деб сўрашдан кўп узоқлашмаган. Қолаверса, бу мураббийлик тизимида ойлик маошининг 25 фоизигача устама ҳақ тўлаш белгиланган бўлса-да, камдан-кам ҳолларда 20 фоизгача тўланган, аксарият ҳолларда 5 — 15 фоиз ҳақ тўлаб келинди.

Бугун ҳам олий ўқув юртларида талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи мураббийлар иш олиб бормоқда. Бироқ эндиликда улар гуруҳ мураббийи эмас, балки "тьютор" мақомида. Табиийки, уларнинг вазифалари ҳам аввалгиларидан фарқ қилади.

Республика давлат олий таълим муассасаларида янгича тизим — тьюторлик тизими жорий қилинишига 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда шунга мувофиқ қабул қилинган олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 сентябрдаги буйруғи асос бўлди. Шу ўринда айтиш ўринлики, ушбу дунё тажрибаси амалиётга жорий қилинишидан аввал Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 15 йил тажриба синовидан ўтказилган. Тизимнинг олий таълимдаги самарали натижалари социологик ўрганилиб, таҳлил қилинганидан сўнггина у амалиётга жорий этилди.

*Тўртинчидан,* Президентимизнинг тегишли қарори билан олий таълим муассасасининг Ёшлар масаласи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорига "биринчи проректор" мақоми берилди. Биринчи проректор зиммасига янги Ўзбекистоннинг олий таълим тизимидаги жамоаси, талаба-ёшлар билан замонавий талаблар асосида маънан соғлом, дунёқараши кенг, баркамол авлод, етук кадр бўлиб шаклланиши ва муассасада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга хизмат қиладиган самарали ишларни олиб бориш вазифалари юклатилди.

Айни чоғда биринчи проректор энди маҳаллаларнинг қадрдони бўлади. У маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари билан бирга мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида тизимли, самарали ишларни ҳам олиб боради. Бу эса улар учун билдирилган юксак ишончни оқлаш, юртимиз келажагига муносиб ҳисса қўшиш учун яна бир имкондир.

Шу билан биргаликда, келажагимиз бўлган ёшларнинг дунёқараши, ўй-хаёллари, орзу-истакларини социологик услублардан фойдаланган ҳолда кузатиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, прогнозлаш ва олинган хулосалар ечими доирасида олий таълим тизими орқали зиёли, етук кадрларни тарбиялайди. Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни камол топтириш каби улкан вазифаларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Аёнки, бугунги кунда талабалар жамоасининг дунёқараши, қизиқиши, хоҳиши, орзу-ўйларини яхши билиш талаб этилади. Ана шунда маънавий-маърифий тадбирлар диагностик хусусиятга эга бўлади. Маънавий терапия диагностика билан уйғун бўлгандагина натижадорликка эришиш мумкин. Акс ҳолда, самарадорликка умидланиш ноўрин. Буларни ўрганиш эса социологик сўровлар ўтказишни талаб қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси таркибида социологик сўровлар ўтказиш, мувофиқлаштириш ва хулосалашга йўналтирилган бўлим ташкил этилгани айни муддао бўлди. Унда жамланган мутахассис-экспертларнинг социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича амалга ошираётган ишлари соҳада аниқлик сари ишлашга, ҳаракатланишга имкон бермоқда.

Асосийси, жойларга чиқиб, реал маънавий муҳитни ўрганиб, диагностик асосда ишлашга ўтилмоқда. Шу пайтгача барча олий таълим муассасалари ягона намуна, яъни "Профессор-ўқитувчи — талаба нигоҳида" социологик сўрови билан чекланиб қолаётган эди. Энди социологик, психологик, педагогик мониторинг тизими йўлга қўйиляпти.

Ўтказилган онлайн сўровномалар коррупция ва коррупциоген ҳолатлар, талабаларни қийнаётган муаммолар, уларнинг истак-хоҳишлари, қолаверса, "Биз ўзи кимларга, қандай таълим-тарбия бердик?" каби саволларга очиқ жавоблар берди. Масалан, 2019 йилда ўтказилган сўровлардан бирида: "Сиз келажакда ўз тақдирингизни Ўзбекистон билан боғлайсизми?" деган саволга чегара ҳудудида жойлашган кўплаб олийгоҳларнинг қарийб 25 фоизга яқин талабаси чет давлатларда яшаш ёки ишлаш истагини билдирган. Кўриняптики, бу каби муаммоларни сўровлар орқали аниқлаб, зарур чора кўрилиши керак. Ва шундай бўляпти ҳам.

Бугун ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимларининг иш услуби замонга мослашиши — модернизациялашуви керак. Яъни ҳар қандай маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия ишларини ўтказишдан олдин сўровнома орқали муаммоларни ўрганишга замонавий социологик технологияларни жалб қилиш зарур. Бунда социометрия, суҳбат, интервью, фокус гуруҳи методларидан фойдаланиш керак.

Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, ҳар бир олийгоҳда социологик лаборатория ташкил этишни жоиз деб, ҳисоблаймиз. Шунингдек, барча олий таълим муассасаларида аниқ мавзуларда ҳар ҳафтада бир марта, 10 та саволдан иборат онлайн, оффлайн форматларда социологик сўровлар ўтказиб бориш зарур. Бу, ўз навбатида, талабанинг нима билан бандлиги, қизиқиши, маънавий қиёфаси, таълим-тарбия жараёнида қандай бўшлиқ борлигини кўрсатиб беради. Оддий қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг янги, замонавий, энг муҳими, натижадор, диагностик даврини бошлаб беради.

**Азизбек АМОНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Беш ташаббус маркази координатори, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6785

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — Ш. Машрабоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6